

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИҚЛИМ-ШАРОИТДА КУНЖУТ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АЙРИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аманова М.Э., Алланазарова Л.Р.

Ташкент Аграр университети,

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Илк мартаба Хоразм вилояти иқлим шароитида кунжутнинг “Қора Шахзода”, “Ташкентский 122”, истикболли «Кива» ва “Урганч” навлари билан изланишлар олиб борилди. Бу навлар *SSP Bicarpellatum* Hilt. кенжа туларига мансуб бўлиб, уларнинг турли хил экиш муддатлари ва қимматли хўжалик белгилари (ҳосилдорлик, мойдорлик, йирик уруғлилик, иссиқликка ва шўрга бардошлилик) бўйича ўрганилди. Хоразм иқлим шароитида кунжут навларидан юқори ҳосил олиш учун май ойининг биринчи ун кунлиги ва кунжут морфологиясига қараб бир ёки қўш қатор экилиши аниқланди.

Калит сўзлар: Кунжут навлари, уруғ, ҳосилдорлик, ўрганиш, мойдор, йирик уруғлик, экиш муддатлари, экиш усуллари .

Аннотация: Впервые в климатических условиях Хорезмской области были проведены исследования с сортами кунжута «Черный принц», «Ташкентский 122», перспективным «Кива» и «Урганч». Эти сорта представляют собой *ssp.bicarpellatum* Hilt. Изучена принадлежность к подвиду, их различные сроки посева и ценные хозяйственные признаки (урожайность, плодovitость, крупноплодность, устойчивость к жаре и соли).

В климатических условиях Хорезма установлено, что для получения высокого урожая от сортов кунжута следует сажать один или два ряда в зависимости от первого мучного дня мая и морфологии кунжута.

Ключевые слова: Сорта кунжута, семена, урожайность, изучение, плодородность, крупносемянность, сроки посева, способы посадки.

Annotation: For the first time, in the climatic conditions of the Khorezm region, research was conducted with sesame varieties "Black Prince", "Tashkentky 122", promising "Kiva" and "Urganch". These cultivars are *ssp.bicarpellatum* Hilt. belonging to the subspecies, and their different planting periods and valuable economic characters (yield, fertility, large seed, tolerance to heat and salt) were studied.

In Khorezm climatic conditions, it was determined that one or two rows should be planted depending on the first flour day of May and the morphology of sesame in order to obtain a high yield from sesame varieties.

Key words: Sesame varieties, seed, yield, study, fertile, large seed, planting dates, planting methods.

Кунжут асосий мой берувчи ўсимлик бўлибгина қолмасдан балки, шифобахшлиги билан ҳам бошқа мой берувчи ўсимликлардан ажралиб туради. Шарқ мамлакатларида кунжутнинг янги барг ва новдаларидан турли хил мазали салатлар тайёрланса, маҳаллий табобатда оқ, оч сариқ рангли кунжут уруғларидан тайёрланган мойдан юз ва қўл териларини парваришлашда, ҳар хил ошқозон ичак яраларини, тананинг куйган жойларни даволашда малҳам сифатида фойдаланилган. Ўрта Осиё кўҳна халқ табобатида қора рангли кунжут уруғларидан жисмоний қувватни ошириш мақсадида турли хил ўсимлик уруғлари билан янчиб дори тайёрланган.

Кунжут мойи дунё бозоридаги энг қиммат мойлардан бири бўлиб, асосий истеъмолчилар Япония, АҚШ, Бирлашган Араб Амирлиги, Туркия ва қатор европа мамлакатлари ҳисобланади.

Истеъмолчилар доираси кенгайиб бораётганлиги (Россия, Қозоғистон, Болтиқ бўйи мамлакатлари ва бошқалар) туфайли сўнги тўрт йилда дунё бозорида кунжут нархи икки баробар ортганлиги кузатилади.

Кунжут-асосий мой берувчи ўсимликлардан бири бўлиб, дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатларида жумладан, Бирма, Ҳиндистон, Хитой, Эфиопия, Судан, Уганда, Нигерия, Сомали, Кичик Осиё, Кавказорти, Эрон, Ўрта Осиё, Афғонистон, Узоқ Шарқ, Япония, Жанубий Европа, Америка, Мексика ва Перу давлатларида кенг миқёсда етиштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги ПФ-5330- сонли “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2018 йил 19 январдаги “Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинган. Ушбу қарор ва фармонларда Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодий тармоқларининг экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолини йил давомида узлуксиз равишда барқарор нархларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш ва қайта ишлаш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган.

Тадқиқотлар 2022 йил Хоразм вилояти, Урганч туманининг Амударё соҳилига яқин (500-800 м узокликда) худудида амалга оширилди. Республикаимизнинг шимолий худудларидан бири бўлган Хоразм воҳаси Марказий Осиёнинг текислик қисмини қамраб олган кенг Турон пасттектислигининг шимолий қисмида жойлашган. У Амударё қадимий дельтасининг чап қирғоғини эгаллаган. Унинг шарқий чегараси Тошсака ясситоғлиги бўлса, ғарбий сарҳади эса, Туркманистон билан чегараланади. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти географик ўрнига кўра, Ўзбекистоннинг шимолий қисмида жойлашган. Ушбу худудлар ўта қуруқ минтақага кириб, йиллик ёғинчарчилик 80-90 миллиметрни ташкил этади ва улар асосан қиш ва баҳор даврига тўғри келади. Воҳа иклими кескин континенталдир. Ёзи иссиқ ва қуруқ. Июл ойида ҳавонинг ўртача ҳарорати +28°C, ўртача мутлақ юқори ҳарорат +41°C, баъзан ҳарорат +46°C гача боради. Ўсув даврида мусбат ҳароратлар йиғиндиси 4200°C дан 5400°C гача ўзгариб туради.

Хоразм воҳасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда ёруғлик ва иссиқлик етарли бўлиб, континентал ўзгарувчан ҳамда ҳавоси қуруқдир. Қуёш ёруғлигининг давомийлиги йилига 2700–3000 соат, бунда ёзда қуёш ёруғлиги ойига 360–400, қишда эса 90–130 соатни ташкил этади. Бир кундаги иссиқликнинг ўзгарувчанлиги юқори (10–15⁰ С қишда ва 15–20⁰ С ёзда).

Тупроқ. Тажриба майдонинг тупроғи бўз тупроқ бўлиб, сизот сувлари 1,5-1,7 метр чуқурда жойлашган бўлиб, кучли шўрланган. Одатда, ҳар йили шолдан бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилган далалар уч ёки тўрт марта ювилади. Тажриба даласида ўтмишдош ўсимлик шоли бўлганлиги учун 2022 йил қиш ва баҳор ойларида икки марта ювилди.

Тадқиқот материали ва услублари

Тадқиқотлар давомида Кунжутнинг “Қора Шахзода”, “Ташкентский 122”, истиқболли «Кива» ва “Урганч” навлари билан изланишлар олиб борилди. Илмий-тадқиқотлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари

Хоразм вилояти иқлим-шароити ўзига хос бўлиб, кунжут етиштириш усули Амударёга яқин худудлар билан дарёдан нисбатан узокроқ жойлашган худудлардан бир-биридан кескин фарқ қилиши 5 йиллик тадқиқотларимизда (2017-2022) яққол намоён бўлди. 2022 йил тажриба даласи Амударё соҳилларига яқин жойлашган бўлиб ер ости суви 1,5-2 м чуқурликда жойлашган ва кучли шўрланган эди. Кунжутнинг “Қора Шахзода”, “Ташкентский 122”, истиқболли «Кива» ва “Урганч” навларининг уруғлари турли хил экиш муддатларда (30 апрель, 10 май, 20 май, ва 30 май) 3,5 м² тажриба бўлмаларида 4 карра такрорлаш билан экилди. Ўсимликлар 60x15 см озикланиш майдонига амал қилинган ҳолда яғана қилинди.

3-YO'NALISH: DAVOM ETAYOTGAN IQLIM O'ZGARISHI SHAROITIDA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGI VA TABIIY RESURLARNI SAQLASHGA ERISHISH UCHUN AGROBIOLOGIK XILMA-XILLIKDAN BARQAROR FOYDALANISH

Кунжут уруғлари 30 апрелда экилганда ўсув даври “Қора Шахзода”, “Ташкентский 122” ва “Урганч” навларида 125 кун, «Kiva» навида эса 115 кун давом этиб, ўртача ҳосилдорлик “Қора Шахзода” навида 20,2 ц/га, “Ташкентский 122” навида 17,2 ц/га, “Урганч” навида 20,9 ц/га ва «Kiva» навида эса 19,1 ц/га ни ташкил этди (6-жадвал).

Уруғлар 10 майда экилганда тўлиқ униб чиқиши учун 6-7 кун керак бўлди. Уруғларнинг ёппасига униб чиқиши учун 6-7 кун керак бўлди. Ўсув даври “Қора Шахзода”, “Ташкентский 122” ва “Урганч” навларида 120 кун, «Kiva» навида эса 112 кун давом этди ва ўртача ҳосилдорлик “Қора Шахзода” навида 21,3 ц/га, “Ташкентский 122” навида 18,4 ц/га, “Урганч” нави да 22,9 ц/га ва «Kiva» навида эса 19,3 ц/га тенг бўлди.

Уруғлар 20 майда экилган далада ўсув даври “Қора Шахзода”, “Ташкентский 122” ва “Урганч” навларида 132 кунни, «Kiva» навида эса 125 кун давом этиб, ўртача ҳосилдорлик “Қора Шахзода” навида 18,1,0 ц/га, “Ташкентский 122” навида 16,5 ц/га, “Урганч” нави да 19,6 ц/га ва «Kiva» навида эса 16,1 ц/га ни ташкил этди.

Кунжут уруғлари 30 майда экилганда ҳам уруғ суви берилди ва уруғлар 3-4 кунда униб чиқди. Бироқ, сентябрь ойининг охирлари ва октябрь ойида ўртача кунлик ҳарорат меъёрдан пасайиши кўзоқчаларнинг етилишини секинлаштирди. Уруғлар 30 майда экилган майдонда ўсув даври “Қора Шахзода”, “Ташкентский 122” ва “Урганч” навларида 135 кунни, “Kiva” навида эса 125 кун давом этди. Ўртача ҳосилдорлик “Қора Шахзода” навида 16,1 ц/га, “Ташкентский 122” навида 14,7 ц/га, “Урганч” нави да 16,4 ц/га ва “Kiva” навида эса 14,8 ц/га ни ташкил этди.

Кунжутнинг “Қора Шахзода”, “Ташкентский 122” ва “Урганч” навлари шохлайдиган навлар бўлиб, битта ўсимликда ўртача 3-4 тагача ён шохлар ривожланганлиги сабабли 60x15 см озикланиш майдонида ўсимликлар яхши ривожланди. «Kiva» нави шохламайдиган, ҳосили спирал шаклда асосий поя атрофида жойлашганлиги учун ҳосил нисбатан кам бўлганлиги кузатилди. Kiva навининг шохланмаслик хусусияти уни кўш қатор қилиб экиш имкониятини яратади. Майдон бирлигидаги кўчат сонини 1,5-2,0 баробарга ошириш усули билан ҳосилдорликни 1,5 баробарга оширишга эришиш мумкин.

Биз, худди шу усулни қўлладик, яъни “Kiva” навини кўшқатор экиб, кўчат сонини гектарига 111 мингдан 170 мингтага етказдик ва ўртача ҳосилдорлик 24,4 ц/га ни ташкил этди. Бунда ўсимликлар ленталар ораси 20 см бўлиб, ўсимликлар шахмат усулда қолдирилди (Расм).



Расм

3-YO'NALISH: DAVOM ETAYOTGAN IQLIM O'ZGARISHI SHAROITIDA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGI VA TABIIY RESURSLARNI SAQLASHGA ERISHISH UCHUN AGROBIOLOGIK XILMA-XILLIKDAN BARQAROR FOYDALANISH

Кунжутнинг “Kiva” навини яна бир устунлиги бошқа навларга нисбатан ўсув даврининг 10-12 кун қисқалиги ҳисобланади.

Биз, тадқиқотларимиз натижаларига асосланган ҳолда, Хоразм вилоятида маҳаллий иқлим шароитида юқори сифатли ва экспортбоп кунжут етиштириш учун мақбул экиш муддати 1-10 майгача деб белгиладик.

Кунжутнинг битта ўсимлигида ўртача 3-4 тагача ён шохлар ривожланган навлар 60x15 см озикланиш майдонида ва шохламайдиган, ҳосили спирал шаклда асосий поя атрофида жойлашган навлардан юқори ҳосил олиш учун уни қўш қатор қилиб экиш тавсия қилинади..

Адабиётлар

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари //Тошкент, ЎзПТИ, 2007 й.//
2. Коломейченко В.В., Растениеводства/Учебник.- М.: Агробизнесцентр, 2007.
3. Елисеев С.Л., Ренев Е.А Растениеводство / ИПЦ «Прокрость», 2014.
4. Азизов Т.Б., Мойли экинларни етиштириш агротехнологияси / Тошкент, 2015.